

Mamatqabilova Sabokhat Shakirovna
Doctoral student of Termiz State University

**REFLECTIONS ON THE HISTORIOGRAPHY OF THE POLITICAL
HISTORY AND CULTURE OF THE GRECO-BACTRIAN KINGDOM**

ANNOTATION

The article presents information on the historiography of the political history and culture of the Greco-Bactrian kingdom, which gained significant importance in the history of Uzbek statehood. There are many complicated and problematic issues in studying its history. For a long time, there have been debates about the existence or non-existence of this state, the consistent succession of rulers, territorial boundaries, language and religious beliefs.

KEY WORDS:

Political history of the Greco-Bactrian kingdom, D. Schlyumberje, Hellenic and Oriental Culture, V. Tarn, "Mirage of Bactria", Hellenistic Far East, G.Z. Bayer.

Маматкабилова Сабохат Шакировна
Докторант Термезского государственного университета

**РАЗМЫШЛЕНИЯ ОБ ИСТОРИОГРАФИИ ПОЛИТИЧЕСКОЙ
ИСТОРИИ И КУЛЬТУРЫ ГРЕКО-БАКТРИЙСКОГО ЦАРСТВА**
АННОТАЦИЯ

В статье представлены сведения по историографии политической истории и культуры Греко-Бактрийского царства, получившего значительное значение в истории узбекской государственности. В изучении его истории много сложных и проблемных вопросов. Долгое время шли споры о существовании или несуществовании этого государства, последовательной

преемственности правителей, территориальных границах, языке и религиозных верованиях.

КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:

Политическая история Греко-Бактрийского царства, Д. Шлюмберье, Греческая и восточная культура, В. Тарн, «Мираж Бактрии», эллинистический Дальний Восток, Г.З. Байер.

Маматқобилова Сабохат Шокир кизи

Термиз давлат университети таянч доктаранти

Юнон-Бақтрия подшолигининг сиёсий тарихи ва маданиятининг тарихшунослигига доир мулоҳазалар

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбек давлатчилиги тарихида муҳим аҳамият касб этган Юнон-Бақтрия подшолигининг сиёсий тарихи ва маданиятининг тарихшунослигига доир маълумотлар баён этилган. Тарихини ўрганишда чигал, муаммоли масалалар талайгина. Узоқ давр мобайнида ушбу давлатнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги, ҳукмдорларинг изчил кетма кетлиги, ҳудудий чегараси, тил ва диний эътиқод масалалари устида мунозаралар мавжуд бўлиб келган.

КАЛИТ СЎЗЛАР:

Юнон-Бақтрия подшолиги сиёсий тарихи, Д. Шлюмберже, Эллин ва Шарқ маданияти, В. Тарн, “Бақтрия сароби”, Эллинистик Узоқ Шарқ, Г.З. Байер.

Энг қадимги давлатлар жойлашган Ўзбекистон ҳудудида эллинизм цивилизацияси, ҳинд-европаликларнинг келиб чиқиши, дунё динларининг ўзаро таъсири ва шарқнинг энг қадимий давлатлари, уларнинг фаолияти каби мураккаб масалаларга оидинлик киритувчи ноёб маълумотлар мавжуд.

Юнон-Бақтрия давлати тарихи рус тадқиқотчиларида XVIII асрдан қизиқиш уйғота бошлади. Эллинистик Узок Шарқнинг “биринчи замонавий тарихчиси” З.Байер эди. 1738 йилда Петербургда рус академиги Г.З. Байер ўзининг “Юнон-Бақтрия тарихи” асарини эълон қилди¹. Қадимги адабий анъаналар ва нумизматик маълумотларга асосланиб, олим Юнон-Бақтрия тарихининг асосий босқичларини қайта қурди. Қадимги адабий анъаналар ва 2 та Юнон-Бақтрия тангаси маълумотлари асосида у, Юнон-Бақтрия тарихининг асосий босқичларини нашр эттирди. З.Байернинг интеллектуал вазият ҳақида қисқача тавсифни “Бақтрия тарихи” асарида ва бошқа нумизматик ишларда кўриш мумкин. Ушбу асар ҳозир ҳам бу давлат тарихи ҳақида яхши маълумотлар берувчи асар ҳисобланади. В. Тарннинг “Юнонлар Бақтрия ва Ҳиндистонда”² номли монументал асари нашр этилгандан сўнг, рус олимлари у билан қарама-қаршиликка киришди. Бақтрия меъморчилиги ва шаҳарсозлигининг шарқий Эрондан келиб чиққанлигини ҳимоя қилган С.П. Толстов шундай ёзган: “мустаҳкамланган аҳоли пунктлари қадимги Аҳамонийлар даврида бунёд этилган, эллинистик даврга бориб тақаладиган истехкомларнинг ҳеч бирида юнонлар таъсири сезилмайди”³. XIX асрнинг охирида Туркистон ҳудудида рус археологларининг дастлабки тадқиқотлари ташкил этилди. Улар томонидан олиб борилган экспедициялар илмий материалларни тўплай бошладилар, Шарқнинг қадимий ёдгорликларини ўрганиш учун турли хил илмий жамоалар тузилди. Археология комиссияси томонидан Ўрта Осиёда биринчи бўлиб режалаштирилган археологик тадқиқотларни Н.И.Вселовский бошқарди. Ўрта Осиёда қадимий ёдгорликларни тизимли равишда илмий ўрганиш бошланишида энг муҳим ролни иккита муассаса – Санкт-Петербургдаги Россия Империял Археология Жамиятининг Шарқий бўлими ва Туркистон археология хаваскорлар тўғараги

¹Bayer T.S. *Historia regni graecorum bactriani: in qua simul graecarum in India coloniarum vetus memoria*. Petropolis [St. Petersburg]: Ex typogr. Acad. scient. 1738.

²Tarn W.W. *The Greeks in Bactria and India*. 3rd ed. with a pref. and new bibliography by Frank Lee Holt. Chicago: Ares, 1985.

³Толстов С.П. – Подъем и крушение империи эллинистического «Дальнего Востока». W.W. Tarn. *The Greeks in Bactria and India*. Cambr., 1938 // ВДИ, 03-04. Москва, 1940. С. 199; Толстов С.П. *Древний Хорезм*. Москва, 1948. С. 91.

ташқил этди. Россия Империя Археология Жамиятининг Шарқий бўлимига
В. В. Бартольд, Н. П. Остроумов, К. А. Иностранцев, Н. И.
Веселовский каби олимлар жам бўлишган. Туркистон археология ҳаваскорлар
тўғараги фаолияти антиқа буюмларни ўрганишга бўлган ғайрати ва чинакам
қизиқиши билан ажралиб турар эди. Тўғарак таркибига И. Т.
Пославский, Н. С. Лыкошин, Б. И. Кастальский, А. Д. Калмыков, Е. Т.
Смирновлар кирок эди. Институтлар ўртасида яқин муносабатлар ўрнатилди,
доимий илмий алмашинув ва мунозаралар бўлиб ўтди.

Юнон-Бақтрия давлатининг мавжуд бўлганлигига 1950-1960 йиллардаги
кўплаб рус олимлари ишонишади. Бу масалага В.М.Массон куйидагича фикр
билдиради: “Бақтрияда кўриб чиқилаётган даврда юнон таъсирининг
мавжудлиги назарий жиҳатдан маълум бўлган”⁴.

Д. Шлюмберже томонидан Афғонистон шимолидаги Ойхонимнинг
очирилиши Юнон-Бақтрия давлатининг сароб эмаслигини исботлади. Амударё
соҳилидаги Ойхонимдан ташқари Тахти Сангинда Б.А.Литвинский ва
И.Р.Пичикян бошчилигидаги рус олимлари Окс эллинистик ибодатхонасида
археологик тадқиқотлар олиб бориб ўрганишди. Ойхоним ва Тахти
Сангиннинг қазиш ишлари натижалари эълон қилинди. Шу муносабат
билан, “яқинда амалга оширилган қазишма ишларида биз чинакам эллинлар
санъатинингхақиқий асарларини кўрмоқдамиз”⁵ ва “бундан буён Юнон-
Бақтрия санъатини сароб деб аташ мумкин эмас”⁶ И.Р. Пичикяннинг “Бақтрия
маданияти. Аҳамонийлар ва эллинизм даври” асари рус тарихшунослигида
Бақтрия маданияти тўғрисидаги муҳим тадқиқот ҳисобланади. Ушбу
монографиянинг иккинчи қисми бевосита эллинистик даврга бағишланган.
И.Р. Пичикян эллинистик тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, архитектура,
эпиграфиянинг энг муҳим топилмаларини тасвирлабгина қолмай, балки

⁴Массон В.М. Археологические памятники Средней Азии и греко-римское влияние и связи // Problemi attuali di scienza e di cultura. Atti del Convegno sul tema: La Persia e il mondo greco-romano. Roma. Acad. nazionale del Lincei. Anno CCCLXIII, 1966. № 76. С. 340.

⁵Литвинский Б. А., Пичикян И. Р. Эллинистический храм Окса (Южный Таджикистан). Т. 1: Раскопки. Архитектура. Религиозная жизнь. М., 2000. С. 8.

⁶Пичикян И.Р. Культура Бақтрии. Ахеменидский и эллинистический периоды. М., 1991. С. 158.

китобхонларга ушбу асарларни тарихий ва маданий жиҳатдан мукаммал таҳлил қилиш имкониятини беради. 1976-1991 йиллар оралиғида Тахти Сангиндаги Окс эллинистик ибодатхонасини моддий манбалари Б.А.Литвинский ва И.Р.Пичикян томонидан тўлиқ нашр эттирилиб борилди. 2000-2010 йилларда Тахти Сангиндаги қазилма материалларини умумлаштирган ҳолда 3 жилди нашрдан чиқди. Биринчи жилдда Окс ибодатхонасининг топилиши ва қазилма ишлари батафсил айтиб ўтилади. Ушбу жилдда нафақат ушбу диний бино меъморчилиги бўйича материаллар мавжуд, балки Шарқдаги ўхшаш ибодатхоналар билан қиёсий таҳлил ҳам мавжуд. Китоб маъбаддаги диний ҳаёт тўғрисидаги материаллар билан яқунланади. Иккинчи жилдда Окс ибодатхонасидаги эраиздан олдинги VI-V асрлардан III-IV асрларга оид қурол-аслаҳа тўпламининг тўлиқ тавсифи берилган. Шунингдек, Бактрияда умуман Марказий Осиёда қурол ва муҳофаза аслаҳаларининг айрим турлари тарихи, Ўрта Осиё қурол-аслаҳаларининг эволюцияси, Яқин Шарқ ва Юнонистон қурол-аслаҳалари тарихи нуқтаи назаридан қўрилган. Ушбу жилдда асосан эллинизм даврида Марказий Осиёдаги юнон қурол-аслаҳаларини ўрганишга бағишланган. Ўрта Осиё билан боғлиқ бўлган антик географик таркиб манбаларининг тизимли ўрганилиши И.В. Пьянковнинг “Ўрта Осиё қадимги географик анъана: манбашунослик”⁷ асарида акс этган. Бу тадқиқот ишида Марказий Осиёнинг географик тарихи, ҳудудларнинг ўзгарган таркиби, Буюк Ипак йўли шаклланишининг бошланиши тўғрисида маълумотлар келтирилган. Б.А. Литвинский 1984 йилда Кушон Бактриясининг дафн маросимига оид материалларни ёритади.

Ҳозирда Британия музейида сақланаётган Ахамонийлар олтиннинг катта хазинаси бўлган Окс хазинаси, Тахти-Сангин ва унинг атрофидан топилган. Тахти-Сангин - “Окс ибодатхонаси” ҳақидаги кўплаб нашрлар Б.А.Литвинский⁸ ва И.Р.Пичикян нашрларида мавжуд.

⁷Пьянков И.В. Средняя Азия в античной географической традиции: Источниковедческий анализ. М., 1997.

⁸ Литвинский Б. А. 2010: Храм Окса в Бактрии (Южный Таджикистан). Т. 3. Искусство, художественное ремесло, музыкальные инструменты. Москва.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати :

1. Bayer T.S. *Historia regni graecorum bactriani: in qua simul graecarum in India coloniarum vetus memoria*. Petropolis [St. Petersburg]: Ex typogr. Acad. scient. 1738.
2. Tarn W.W. *The Greeks in Bactria and India*. 3rd ed. with a pref. and new bibliography by Frank Lee Holt. Chicago: Ares, 1985.
3. Толстов С.П. – Подъем и крушение империи эллинистического «Дальнего Востока». W.W. Tarn. *The Greeks in Bactria and India*. Cambr., 1938 // ВДИ, 03-04. Москва, 1940. С. 199; Толстов С.П. *Древний Хорезм*. Москва, 1948. С. 91.
4. Массон В.М. Археологические памятники Средней Азии и греко-римское влияние и связи // *Problemi attuali di scienza e di cultura. Atti del Convegno sul tema: La Persia e il mondo greco-romano*. Roma. Acad. nazionale del Lincei. Anno CCCLXIII, 1966. № 76. С. 340.
5. Литвинский Б. А., Пичикян И. Р. *Эллинистический храм Окса (Южный Таджикистан)*. Т. 1: Раскопки. Архитектура. Религиозная жизнь. М., 2000. С. 8.
6. Пичикян И.Р. *Культура Бактрии. Ахеменидский и эллинистический периоды*. М., 1991. С. 158.
7. Пьянков И.В. *Средняя Азия в античной географической традиции: Источниковедческий анализ*. М., 1997.
8. Литвинский Б. А. 2010: *Храм Окса в Бактрии (Южный Таджикистан)*. Т. 3. Искусство, художественное ремесло, музыкальные инструменты. Москва.